

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc/PhD. 03/30.12.2019.Fil.20.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ОРАЗИМБЕТОВА МАРЖАНГУЛ КЕЛИМБЕТОВНА

**ҚОРАҚАЛПОҚ ПОЭЗИЯСИДА ЛИРИК ТУРКУМЛАРНИНГ
ПОЭТИКАСИ**

10.00.12 – Қорақалпоқ адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус - 2021

УЎК: 82-1/-9

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
philological sciences**

Оразимбетова Маржангул Келимбетовна Қорақалпоқ поэзиясида лирик туркумларнинг поэтикаси.....	5
Оразимбетова Маржангул Келимбетовна Поэтика лирических циклов в каракалпакской поэзии.....	2 3
Orazimbetova Marjangul Kelimbetovna Poetics of lyrical cycles in Karakalpak poetry.....	43
Эълон қилинган ишлар руйхати Список опубликованных работ List of published works.....	47

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc/PhD. 03/30.12.2019.Fil.20.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ОРАЗИМБЕТОВА МАРЖАНГУЛ КЕЛИМБЕТОВНА

ҚОРАҚАЛПОҚ ПОЭЗИЯСИДА ЛИРИК ТУРКУМЛАРНИНГ
ПОЭТИКАСИ

10.00.12 – Қорақалпоқ адабиёти

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Нукус – 2021

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси манусуа Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида
B2020.3.PhD/Fil1403 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Қорақалпоқ давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (русчма)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.karsu.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Жаримбетов Курбанбай Қудайвазарович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Бекбергенова Зияда Утеповна
филология фанлари доктори (DSc)

Матекеев Сейтжан Тажатдинович
филология фанлари номзоди

Етакчи муассаса:

**Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат
ўзбек тили ва адабиёти университети**

Диссертация химояси Қорақалпоқ давлат университети ҳузуридаги DSc/PhD.03/30.12.2019.Fil.20.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «18» Март куни соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиқов кўчаси, 1-уй. Тел.: (99861) 223-59-25, факс: (99861) 223-59-25; e-mail: karsu_info@edu.uz).

Диссертация билан Қорақалпоқ давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (18 - рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиқов кўчаси, 1-уй. Тел.: (99861)223-59-25, факс: (99861) 223-59-25; e-mail: karsu_info@edu.uz.

Диссертация автореферати 2021 йил «6» Март куни тарқатилди.

(2021 йил «6» Март даги 5 - рақамли реестр баённомаси).



Ш.Н.Абдиназимов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Г.Е.Карлыбаева
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, филол.ф.д.

Ж.Х. Хосниязов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси в.в.б., филол.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида адабий турларнинг бири ҳисобланган лирик асардаги бадиий шакллар, уларнинг тараққиёт тамойиллари ва типологиясини, мазмун ва шакл яхлитлигини тўлақонли тадқиқ қилиш доим муҳим ва долзарб саналиб келган. Лириканинг мавзу ва ғоя доирасини белгилаш, лирик қаҳрамон тавсифи, жанр хусусиятлари, шакли, хусусан шеър тузилиши масалаларини ўрганишга қаратилган қатор ишлар пайдо бўлди. Негаки, шеър инсон руҳий ҳолати оний ифодасини жилвалантириш баробарида унинг табиатида мавжуд ижодий мустақиллик мунтазам ўзгарувчанлик майлини тавсифлайди. Назм поэтик қирраларидан бири лирик туркумларга туташади. Ҳаракатдаги адабий ҳодиса – лирик туркум назарий тамойиллари, алоҳида бадиий шакл сифатида вужудга келиш омиллари, бадиий-эстетик вазифадошлиги, композицион интизоми, жанрий таснифи сўз санъати илмида ўрганилган. Бинобарин, бу муаммонинг ечими лирик адабий тур специфик хусусиятларини очиб беришга замин ҳозирлайди.

Дунё адабиётшунослигида, жумладан, Европа бадиий сўз санъатида лирик туркумлар алоҳида адабий ҳодиса, мустақил поэтик шакл сифатида XVIII-XIX асрлардаёқ шаклланиб, жорий истилоҳ назарий асослари, генезиси, тадрижи бир қатор миллий адабиётлар тағмотида ишлаб чиқилган. Лирик туркумлар бадиий шакл ҳодисаси сифатида далолатланиб, умумий адабий жараёнда мақоми белгиланган. Шу жумладан, лирик туркумлар XX аср қорақалпоқ шеърлятида ифода усули сифатида тўлиқ шаклланди, ғоявий-тематик, шаклий-поэтик жиҳатдан бойиб борди. Лирик туркумлар шоирнинг дунёга муносабатини, ҳодиса, воқеа ҳодисаларга бўлган ҳиссиётини батафсил, умумлаштирган ҳолда етказиш, лирик қаҳрамон образини ҳаққоний яратиш учун яратилади. Бу ўз навбатида, туркумлашувнинг ўзига хос тамойилларини, назарий асосларини, ғоявий-мавзуи, жанр ва шаклий хусусиятларини илғор илмий тажрибалар асосида таҳлил қилиш заруриятини келтириб чиқаради.

Миллий истиқлол даври адабиётшунослигида асар бадиий-эстетик моҳиятини таҳлил қилиш, поэтика ҳамда структура яхлитлигида ўрганиш алоҳида йўналиш тусини олди. Қорақалпоқ шеърлятини мазмун, бадиий ва шаклий жиҳатдан ривожлантиришга ўз ҳиссасини кўшаётган моҳир истеъдод эгалари ўз руҳий кечинмаларини етказиб бериш йўлида турли бадиий изланишлар олиб борди. Қисқа вақт мобайнида И.Юсупов, Т.Матмуратов, К.Раҳманов, Ж.Избасқанов ва бошқа қатор шоирлар ижодида лирик туркумлар асл намуналари юзага келди. Лирик туркум поэтикаси бадиий-эстетик жараён билан узвий боғлиқ бўлиб, маънавий бойлик, бадиий-эстетик қадрият сифатида ривожланди. Аслида «адабиёт халқнинг юраги, элнинг маънавияти кўзгуси»¹. Лирикада туркумлашув жараёни ўзига хослиги, адабий ривожланиш

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида барпо этилган Адиблар хиёбонининг очилишида сўзлаган нутқи. / Халқ сўзи, 2020, 21 май, №106(7608).

конуниятлари ва поэтик структурасини жаҳон адабиётшунослиги эришган илмий-назарий концепциялари асосида тадқиқ қилиш ишнинг долзарблигини тавсифлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ 3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги Қарори, 2019 йил 11 июлдаги ПФ-5763-сон «Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон «Ўзбекистон янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, шунингдек, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросига муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация иши фан ва технологиялар ривожланишининг 1.«Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» дастури йўналишига мувофиқ бажарилган.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Лирик туркум табиати, тушунча вужудга келиш назарий тамойиллари, поэтик хусусиятлари рус адабиётшунослигида М.Н.Дарвин, Л.Е.Ляпина, Л.В.Суматохина, И.В.Фоменколар томонидан махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганилган.²

Лирика назарий сатҳлари ўзбек адабиётшунослигида У.Тўйчиев, Б.Саримсоқов, Н.Шукуров, Н.Раҳимжонов, И.Ҳаққулов, Р.Орзибеков, М.Иброҳимов, Баҳодир Карим, Қ.Йўлдошевларнинг³ илмий талқинида у ёки бу даражада таҳлилга тортилган. Тадқиқотларда муаммо махсус ўрганилмаса да, лирик туркумлар баъзи кирраларига эътибор қаратилади. Кейинги босқичда ўзбек адабиётшунослигида бадиий асар бадииятини тадқиқ

²Дарвин М.Н. Циклизация в лирике. (Исторические пути и художественные формы): Автореф. дисс... докт. филол. наук. – Кемерово, 1995; Фоменко И.В. Поэтика лирического цикла: Автореф. Дисс... докт. Филол. наук. – Москва, 1990; Лирический цикл: становление жанра, поэтика. – Тверь, 1992; Ляпина Л.Е. Циклизация в русской литературе 1840-х-60-х гг. – СПб, 1993; Циклизация в русской литературе XIX века. – СПб, 1999; Суматохина Л.В. Своеобразие поэтической структуры лирического сборника Б. Пастернака: Автореф. Дисс... канд. филол. наук. – Москва, 1998.

³Тўйчиев У. Адабий турлар ва жанрлар (тарихи ва назарияси оид). Уч жилдлик. 2-жилд. Лирика. – Тошкент:Фан, 1992;Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. – Тошкент, 2004; Шукуров Н. Сўз сеҳри, шеър меҳри. – Самарқанд: Зарафшон, 1992;Раҳимжонов Н. Мустақиллик даври ўзбек адабиёти. – Тошкент, 2007;ҲаққуловИ.Ўзбек адабиетида рубоий. – Тошкент: Фан, 1981;Такдир ва тафаккур. – Тошкент: Шарқ, 2007;ОрзибековР. Лирикада кичик жанрлар.–Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1983;Ўзбек лирик шеърияти жанрлари. – Тошкент: Фан, 2006; Ибраҳимов М. Ўзбек совет поэзияси жанрларининг таркиб топиши. – Тошкент, 1983;Баҳодир Карим. Рухият алифбоси. – Тошкент: Ғафур Ғулум, 2018; Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. – Тошкент:Янги аср авлоди,2006.

қилишда янғича йўналиш, илғор замонавий жаҳон адабиётшунослиги илмий нуктаи назарига мос тадқиқот йўналиши кенг тус олди. Бу борада жиддий изланишлар ва бир қатор монографик тадқиқотлар ҳам олиб борилди.⁴

Қозоқ адабиётшунослигида лирик туркумлар назарий қирралари Ж.Ж.Толисбаеванинг тадқиқотида умумлаштирилади.⁵

XX аср қорақалпоқ шеърятти бўйича жиддий тадқиқотлар олиб борган олим С.Ахметовнинг «Қорақалпоқ совет поэзияси» рисоласида бир қатор шоирлар ижодида шеърый туркумлар мавзу йўналишига эътиборни қаратади.⁶ Ишда олим қорақалпоқ адабиётида шеърый туркумлар бўйича дастлабки мушоҳадани илгари суради. К.Худайбергенов, А.Насруллаев, Қ.Муратбаев, Т.Мамбетниязов⁷ илмий изланишларида қорақалпоқ шеърятти кенг таҳлилга тортилади. Бинобарин, Қ.Жаримбетовнинг «XIX аср қорақалпоқ шеърятининг жанр хусусиятлари ва ривожланиш тарихи» монографиясида қорақалпоқ шеърятти шаклланиши ва ривожланиши тарихи, жанр ўзига хосликлари тадқиқ қилинган.⁸ Шунингдек, сўнгги босқичда қорақалпоқ шеърятти баъзи назарий масалаларини ўрганишга бағишланган бир қатор тадқиқотлар вужудга келди. Хусусан, А.Ҳамидова, М.Мамбетова, Э.Ешнйязова, Д.Пахратдинов, О.Гайлиева, А.Досимбетова, А.Аяповларнинг монографик изланишларида муаммо баъзи бир қирралари ёритилади.⁹

Қорақалпоқ адабиётшунослигида Қ.Оразимбетовнинг тадқиқотларида илк маротаба шеърый туркумлар назарий йўналишига хос хусусиятлар умумлаштирилади.¹⁰ Айни пайтда, қорақалпоқ шеъряттида лирик туркумлар поэтик хусусиятларини ўрганиш ҳам махсус тадқиқотларни тақозо этади.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги.

⁴Ҳайитов А. 90-йиллар ўзбек лирикасида анъана ва шаклий изланишлар: Фил.фан. номз. ...дис.автореф. – Тошкент, 2004; Қурбонбоев И.А. 90-йиллар ўзбек шеъряттида образлилик: Фил.фан.номз. ...дис.автореф.– Тошкент,2004; ЙулдошеваМ.Ҳозирги ўзбек модерн шеърятининг асосий хусусиятлари: Фил.фан. номз. ...дис.автореф. –Тошкент, 2004; Алдашева Ш.Ж. 70-80-йиллар ўзбек лирикасида тўртлик, саккизлик ва шеърый туркум табиати: Фил. фан. бўйича фалс. докт.дисс. автореф. – Тошкент, 2019.

⁵Толысбаева Ж.Ж. Жанровая природа лирического цикла (на материале поэзии 1980-1990-х годов): Афторефер. дисс... канд. филол. наук. – Алмата, 1999.

⁶Ахметов С. Қарақалпақ совет поэзиясы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1988.

⁷Худайбергенов К. Лирика ҳам өмир. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1971; Насруллаев Э. Заман ҳам лиро-эпикалық поэзия. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1965; Муратбаев Қ. Қарақалпақ поэзиясында қосық қурылысы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1977; Мәмбетниязов Т. Поэзия ҳаққында ойлар. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1985

⁸Жәримбетов Қ. XIX әсир қарақалпақ лирикасының жанрлық кәсіетлери ҳам раўажланыў тарийхы. – Нөкис: Билим, 2004.

⁹Ҳамидова А. И.Юсуповтың творчествосы хәм Европа әдебияты (Әдебий байланыслар хәм әдебий тәсирлер: Филол.ил. канд. ...дисс.автореф. Нөкис,1999; Мәмбетова М. И.Юсупов поэзиясының қосық қурылысы: Фил.ил.ил. канд. ...дисс.автореф. Нөкис, 1999; .Ешнйязова Э. Т.Матмуратов лирикасы (идеялық-тематикалық, жанрлық хәм көркемлик өзгешеликлери: Филол.ил. канд...дисс.автореф. Нөкис, 2000; Пахратдинов Д. И.Юсупов лирикасында Шығыс классиклери дәстүрлери (Әдебий байланыслар хәм тәсирлер:Филол.ил. канд. ...дисс.автореф. Нөкис, 2001; .Гайлиева О. Ҳәзирги қарақалпақ поэзиясында аралық формалардың жанрлық хәм формалық кәсіетлери (1970-2000-жыллардағы еркин қосық хәм насрый қосықлар:Филол.ил. канд. ...дисс.автореф. Нөкис, 2006;Мустакиллик дәври туркий халқлар лирикасида шаклий изланишлар ва уларнинг типологияси (ўзбек, қорақалпоқ, туркман лирикаси мисолида): Филол. фан. докт.(DSc) дисс.автореф. Нукус, 2019; .Досымбетова А. Ш.Сейтов лирикасында көркем форма: Филол.ил. канд. ...дисс.автореф. Нөкис, 2008; .Аяпов А. Ғәрезсизлик дәўири қарақалпақ әдебиятында публицистикалық лирика:Филол.ил. канд. ...дисс.автореф. Нөкис, 2010.

¹⁰Оразымбетов Қ. Ҳәзирги қарақалпақ лирикасында көркем излениўшилиқ. – Нөкис: Билим, 1993; Ҳәзирги қарақалпақ лирикасында көркем формалардың эволюциясы хәм типологиясы. – Нөкис: Билим, 2004.

Диссертация Қорақалпоқ давлат университети илмий-тадқиқотлар режасининг «Қорақалпоқ адабиётини ўрганиш ва адабиётшуносликнинг аҳамиятли масалалари», «Ҳозирги филология фанларининг долзарб масалалари» мавзусидаги илмий йуналишлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади лирик туркум истилоҳи назарий сатҳи, унинг композицион яхлитликда тутган ўрни, лирик қаҳрамон бадиий тадрижи, ифода тимсолий тафовути ва жанрий таснифини ёритишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

лирик туркумга хос хусусиятлар, етакчи тамойилларини назарий баҳолаш, бадиий ҳодиса сифатида адабий жараёндаги мақомини белгилаш;

лирик туркумлар тарихий илдизлари ҳамда қорақалпоқ шеърлятида вужудга келиш омилларини кўрсатиш;

туркум шеърлар композицион тарҳи, лирик намуналарда сюжет, хронолог ва лирик қаҳрамон ўзаро муносабатини тадқиқ қилиш;

туркумларнинг жанрий таснифи, ғоявий-мавзуи ва жанрий, шаклий туркумлашув жараёнини ёритиш.

Тадқиқотнинг объектини қорақалпоқ шоирларининг шеърлий тўпламлари, етакчи нашрларда эълон қилинган ва миллий матбуотда чоп этилган туркумлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини қорақалпоқ шеърлятида лирик туркумлар назарий тамойиллари, жанрий ва поэтик хусусиятларини ўрганиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда тарихий, қиёсий-типологик ҳамда бадиий-эстетик, структурал таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

жаҳон адабиётшунослигида тўпланган илмий тажриба асосида қорақалпоқ шеърлятидаги лирик туркумлар етакчи назарий тамойиллари, поэтик хусусиятлари аниқланган;

қорақалпоқ адабиётидаги лирик туркумларнинг бадиий манбалари халқ оғзаки адабиёти, XIX аср мумтоз адабиётига бориб тақалиши ва XX асрнинг иккинчи ярмида тараққий қилган адабий ҳодиса эканлиги, унинг бадиий-эстетик қиймати исботланган;

лирик туркумлар композицион структурасида андоза, унинг кириш, хулоса ва медиа бўлимлари бадиий вазифаси, унда сюжет, хронолог намоён бўлиш ўлчами далолатланган;

ғоявий-тематик жиҳатдан бир-бирига боғланган лирик туркумлар ва шаклан лирик туркумга мансуб сонетлар, ғазаллар, тўртликлар, эркин шеърлар бирикувининг поэтик хусусиятлари очиқ берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

лирик туркумлар шаклий хусусиятлари, матнда муаллиф иштироки ва муаллифсиз ифода, мураккаб ва эркин шеърлий туркумлар, асар туркумлашув жараёни ўзига хослиги, туркумлар шеър, дoston ва поэтик тўпламлардан тафовути кўрсатилган;

туркумдаги якка шеърларнинг ўзаро боғлиқлиги, жойлашиш тартиби, унинг бутун бир асарнинг ғоясини очиқ беришдаги поэтик аҳамияти

аниқланган;

лирик туркумлар ғоявий-мавзуи, жанрий ҳамда шаклий туркумлашув жараёни бадиий матнлар мисолида таҳлил қилинган;

тадқиқот натижалари асосида ҳозирги адабиётшунослик янги илмий қарашлар, фикрлар билан бойитилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги мавзуни ўрганиш жараёнида қўйилган муаммонинг аниқлиги, қўлланилган илмий ёндашув ва усулларнинг самарадорлиги, унда фойдаланилган адабий-бадиий, назарий маълумотлар ишончли манбалардан олинганлиги, илмий хулоса ва таклифлар амалиётга кенг жорий этилганлиги, олинган натижалар тегишли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот ишининг илмий аҳамияти лирик туркумлар поэтикаси ҳақидаги илмий қарашларни тўлдиришда, олинган хулосалар шоирларнинг ижодий ишларида, хусусан, лирик туркумларни яратишда, шунингдек ёш тадқиқотчилар учун лирика назарий муаммоларини тадқиқ қилишда таянч назарий манба вазифасини бажаради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий таълим муассасаларида «Ҳозирги қорақалпоқ адабиёти», «Шеър назарияси», «Ҳозирги адабий жараён» фанларидан қўлланма ва маъруза матнларни яратиш ҳамда тўлдиришда, ихтисослик фанларидан махсус курс ва семинар машғулотлари ўтказишда қўлланиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қорақалпоқ шеъриятида лирик туркумларнинг поэтикасини ўрганиш асосида олинган натижалардан:

қорақалпоқ шеъриятидаги жанрий изланишлар ва уларнинг бадиий тафаккур ривожидан тутқан ўрнига оид илмий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида бажарилган Ф1-ФА-0-43429 рақамли «Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ қилиш» (2012-2016) мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳасини амалга оширишда фойдаланган (Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2020 йил 30 сентябрдаги 205/1-сон маълумотномаси). Жорий илмий қарашларнинг татбиқ этилиши натижасида қорақалпоқ шеърияти шаклий мундарижаси, лирик туркумларнинг ўзига хослиги, назарий жиҳатлари малакавий томондан бойитилган;

лирик туркумлар бадиий манбалари, муайян адабий ривожланиш босқичларига оид илмий-назарий қарашлар Бердақ номидаги Қорақалпоқ адабиёти тарихи давлат музейида қорақалпоқ шоирлари ҳаёти ва ижодий фаолияти юзасидан ташкил қилинадиган экспозициялар намойишида, мавжуд осори-атиқалар ҳақидаги тасаввурларни бойитишда, экскурс дарсларни ўтишда тарғиб этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2020 йил 25 августдаги 4-03/1074-сон маълумотномаси). Шу аснода қорақалпоқ назмида лирик туркумлар тарихий илдизлари ҳамда адабий ривожланиш босқичларини жорий этиш имконини берган;

лирик туркумларнинг ғоявий-мавзуи, жанрий ҳамда шаклий хусусиятларига доир илмий-назарий хулосалари Қорақалпоғистон телерадиоканали «Маўрит», «Гавҳар сўзлар», «Сўнмас юлдузлар», «Ассалом, Қорақалпоғистон» кўрсатувлари ва эшиттиришларини тайёрлашда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпанияси 2020 йил 29 сентябрдаги 01-02.185-сон маълумотномаси). Натижада қорақалпоқ шоирлари асарлари, уларнинг лирик туркумлари тарғиб қилинишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 14 та илмий анжуман, шундан 11 та республика, 3 та халқаро анжуманларида кенг илмий жамоатчилик томонидан муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 22 та илмий мақола эълон қилинди. Шундан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 7 та мақола республика, 1 мақола хорижий журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 147 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқот «Кириш» қисмида мавзу долзарблиги ва зарурати асосланиб, мақсади ва вазифалари, предмети ва объекти аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми кўрсатилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Қорақалпоқ шеъриясида лирик туркумлар ва уларнинг бадиий манбалари**» деб номланади. Боб икки фаслдан иборат. «**Лирик туркумлар ҳақида умумий назарий тушунчалар**» деб номланадиган биринчи фаслда лирик туркумларнинг назарий масалалари ҳақида сўз юритилади. Туркум деганда бир неча асарларнинг маълум бир тамойилда ифодаланиши тушунилади. Истаган бадиий асар туркумларга бирика олмайди. Туркумлашишнинг ўзига хос тамойиллари, назарий асослари мавжуд.

Адабиётнинг қомусий луғатида: «туркумларга жанрий ва мавзуи ёки персонажларнинг умумийлиги жиҳатдан бириккан асарлар йиғиндиси киради, туркумлар таркибидаги ҳар битта асар алоҳида бадиий асар сифатида вужудга келади. XIX асрда вужудга келган лирик туркумлар анча шаклланган ҳисобланади»¹¹ деб эътироф этилади.

¹¹ Литературный энциклопедический словарь. – Москва: Советская энциклопедия, 1987. – С 492.

Рус адабиётшунослигида туркумлар ҳақида бир қанча илмий тадқиқотлар мавжуд. Хусусан, М.Н.Дарвиннинг лирикадаги туркумлашишнинг назарий илдизларини тадқиқ қилган асарлари алоҳида диққатга сазовордир. Олим рус адабиётида туркумларнинг келиб чиқиши, типологияси ва поэтикасига катта эътибор қаратади. Туркум қадимги Юнонистонда цикл (kuklos-круг, колесо, яъни доира, айлана) сўзидан келиб чиққан бўлиб қайсидир бир воқеаларнинг доира ичида акс этиши тушунилади. Бадиий адабиётда туркумлашиш ва туркум тушунчалари мавжуд. Лирик туркумлашиш анъанаси, яъни айрим алоҳида шеърларни бириктиришга интилиш ва улар орасидаги жипс боғланиш асосида шеърлар бирлигини ҳосил қилади. Натижада шеърлар туркуми вужудга келади. Бадиий адабиётнинг барча турларида туркумлашиш жараёни мавжуд. Шунингдек, лирикадаги туркумлашиш эпикадаги, драмадаги туркумлашишдан ажралиб туради. Бу биринчи галда лирикада эпик, драматик асарлардаги каби воқеабанд сюжетлар қатнашмасдан, бошқа сезгиларга қуриладиган ва ҳажм жиҳатдан кичик бўлганлигидан ҳам бундай шеърлар шоирнинг маълум бир фикрлаш, ҳиссиётга берилиш ҳолатида ёзилганлигидан улар бир-бири билан осон боғланади. Бир неча асарларнинг бир поэтик тизимга бирикишида бир мавзу ёки бир хил муаллиф ҳис-ҳаяжони етакчи ўринни эгаллайди. Лирик туркумлар биринчи навбатда шоирнинг дунёга муносабатини, ходиса, воқеа ходисаларга бўлган ҳиссиётини янада батафсилроқ, умумлаштирган ҳолда етказиш, лирик қаҳрамон образини ҳаққоний ёритиш учун яратилади

Лирик асарларнинг бир туркумга бирлашишида икки хил белгига алоҳида тўхталиш шарт. Айрим лирик туркумларнинг таркибидаги асарлар эркин, яъни тўлиқ мустақил асар сифатида гавдаланади. Масалан, Ш.Сейтовнинг «Ҳар бир шеъримда уруш қолдиғи» деб номланган туркумига кирган шеърларида яхлитликга қараганда мустақиллик бўртиб кўринади. Туркумлашишнинг бундай шаклини «эркин туркум» деб айтиш мақсадга мувофиқ. Айрим лирик туркумлардаги шеърларда кетма-кетлик, яхлитлик етарли даражада сақланади. Таркибидаги шеърларни бир-биридан ажратиш олиш мумкин эмас, бири иккинчисини тўлдириб боради. Масалан, К.Рахмоновнинг «Туғилган ер тўлғанишлари» туркумига кирган бир қанча номсиз шеърларида мушоҳаданинг биринчисидан иккинчисига ўтиши орқали аниқ кўзга ташланади.

Адабиётшунос И.В.Фоменко туркумлар таркибидаги шеърларнинг мустақиллиги ёки эркинлиги уларга ном қўйилиши ёки қўйилмаслиги билан боғлиқлигини таъкидлайди. Эркин туркумлар таркибидаги ҳар бир шеър ўз номига эга бўлади. Номсиз шеърларга рим ёки араб рақамлари қўйилиб, юлдузча ёки чизиқча каби ҳар хил график белгилар билан ажратилган шеърларнинг туркумдаги мустақиллиги сусаяди. Бундай характердаги туркумларни «мураккаб туркумлар» жумласига киритиш мумкин.¹²

Олим М.Н.Дарвин туркумларнинг табиатидан келиб чиқиб, уларни икки

¹²Фоменко И.В. Поэтика лирического цикла: Автореф. дисс. док. фил.наук. – Москва, 1990. – С. 26

гуруҳга ажратади: «Муаллифлик» ва «Муаллифлик эмас»¹³. Туркум муаллиф томонидан жамланган бўлса, бунга кирган асарлар турли вақтларда яратилган бўлиши мумкин, аммо шоир уларни маълум тамойилларга таяниб туркум сифатида жамлайди. Туркумнинг бундай шаклини муаллифлик туркумга киритади. Олим туркумнинг ушбу турини ҳақиқий тан олинган туркум сифатида қарайди. Масалан, Ш.Сейтовнинг «Қабристондаги товушлар», Т.Матмуратовнинг «Орол созлари», Ж.Избаскановнинг «Муҳаббат элегиялари» туркумлари шоирлар томонидан моҳирона туркумлаштирилган.

Туркумнинг иккинчи шакли китобхонлар ҳамда адабий танқидчилар томонидан туркум деб аталади. Улар ғоявий, мавзу, жанр жиҳатдан боғлиқлиги бўлган асарларни бир туркум асарлар деб ҳисоблаш. Бундай туркумлар муаллифлик эмас туркумлар сирасига киради. И.Юсуповнинг туғилган ер, ватан ҳақида шеърлари жуда кўп. Лекин шоир томонидан уларни туркумлаштириш деярли учрамайди. Шоирнинг «Туғилган ер», «Чимбойга», «Овул-овул», «Кегайли», «Тол бўлибди толлари» шеърлари турли йилларда ёзилиб, турфа тўпламларга киритилганлиги билан ғоявий-мавзуй жиҳатдан бир-бирига боғлиқ туркумлар дейиш мумкин. Уларда шоирнинг болалик йилларини эслаши, овулининг табиатини тасвирлаши, бетакрор гўзаллигини етказиш учун баъзи деталлардан (толлар, ариқлар, тўронғиллар ва б.) фойдаланиши – бу шеърларнинг барчасини бир туркумга киритишга асос бўлади.

Адабиётшунос олим Қ.Оразимбетов лирик туркумларнинг қорақалпоқ шеъриясида тутган ўрнига, янги ҳодиса эканлигига унинг ўзига хослигига тўхтаб, қуйидагича таъкидлайди: «Туркумлар айрим ҳолларда ҳажми бўйича поэмага тенглаштириш мумкин. Аммо у жанр жиҳатдан поэма эмас. Унда поэмадаги каби кетма-кет ривожланиб борадиган сюжет, эпик образ йўқ. Унда умумий ғоявий-мавзуи бутунлик сақлангани билан унинг таркибидаги шеърларнинг биридаги фикр иккинчисидан давом эттирилиши мумкин».¹⁴

Ҳақиқатан ҳам, туркумлар поэма ва шеърий тўпламга яқин. Аммо туркумлар таркибидаги шеърларнинг эркинлиги ва вазифаси жиҳатидан ҳар иккаласидан ҳам фарқ қилади. Туркумдаги шеърлар поэмага таққослаганда эркин, адабий тўпламдаги шеърларга қиёслаганда номустақил, яъни алоҳида асар сифатида кўриниши биров чегараланган. Лирик асарларни туркумлаштиришнинг бир неча асослари бўлиб, илмий адабиётларда унинг турлича гуруҳланиши учрайди.

Лирик асарларни ғоявий-мавзуи, жанр ва шаклий жиҳатдан бир туркумга бирлаштириш тамойиллари мавжуд. Ғоявий-мавзуи жиҳатдан бириккан лирик туркумларнинг намуналари рус адабиётида А.С.Пушкин, М.Ю.Лермонтов, Сергей Есенин, авар шоири Г.Гамзатов, татар шоири Р.Миннуллин ижодида кенг ўрин олган. Ўзбек шеъриясида Миртемирнинг «Қорақалпоқ дафтари» туркуми шеърий туркумларнинг ажойиб намунаси

¹³ Дарвин М. Н. Художественная циклизация лирических произведений. – Кемерово, 1997. – С. 31.

¹⁴ Оразымбетов Қ. Ҳазирги қарақалпоқ лирикасида кўркем излениўшилиқ. – Нөкис: Билим, 1992. – Б. 102.

сирасига киради. Ҳозирги ўзбек адабиётида Х.Давроннинг «Ёз», «Куз», «Қиш», «Баҳор» каби лирик туркумлари юқори бадиий даражада яратилган.

Қорақалпоқ шеъриятида лирик туркумларнинг аксарияти мавзуи жиҳатдан бириккан туркумларни ташкил қилади. Ж.Избасқанов, Т.Матмуратов, Б.Сейтаев, Қ.Раҳмановлар ижодида туғилган юрт, она Ватан, ошиқлик мавзусидаги туркумлар салмоқли ўрин эгалласа, Т.Жумамуратов, А.Дабиллов, М.Сейтнйязов, И.Юсупов, Т.Қабулов, М.Қарабаевлар шеъриятида сафар туркумлари кўзга ташланади. Ғоявий-мавзуи жиҳатдан бириккан туркумларда шеърнинг бадиий шакллари, жанрий белгилари алоҳида вазифа бажармайди. Лирик асарлар жанрий ўзига хослиги бўйича бир туркумга бирикади. Ж.Избасқановнинг «Муҳаббат элегиялари» туркумига кирган шеърлар мазмуни жиҳатдан лирик қаҳромоннинг ишқий дардларидан яратилган лирикадан иборат. Бундан бошқа дидактик, публицистик, сатира ва юмор жанрида тартиб терилган поэтик туркумлар учрайди.

Туркумлашишнинг яна бир тури – бу лирик асарларни шеърини шакли жиҳатидан бир туркумга киритиш. Бундай туркумларнинг шакллари жаҳон адабиётида кенг тарқалган. У. Шекспирнинг сонетлар туркуми бунга мисол бўла олади. Туркумларнинг бу тури ўзбек адабиётида, асосан, XX асрда тўла тараққий қилди. «М.Шайхзода ўзбек шеъриятида «Баҳор рубоийлари» (1949) билан рубоийлар туркумини бошлаб берди».¹⁵ Шунингдек, Б.Бойқобуловнинг сонетлар туркуми, Шухратнинг тўртликлар туркуми ўзбек адабиётида туркумни бадиий шеърят жиҳатдан юқори поғонага олиб чиқди.

Кейинги пайтларда қорақалпоқ адабиётида ҳам бадиий шакл бўйича туркумлашган шеърятнинг турлари намоён бўлди. И.Юсуповнинг ғазаллар, сонетлар, тўртликлар, М.Қорабоевнинг сонетлар, А.Ўтепбергенов, К.Мамбетовнинг ғазаллар, Б.Генжемуратовнинг муашшахлар, С.Ибрагимовнинг эркин шеър шаклидаги туркумлари қорақалпоқ шеърятини шакл жиҳатдан бойитди.

Биринчи бобнинг иккинчи фасли «**Лирик туркумларнинг бадиий манбалари**» деб номланади. Бу бўлимда лирик туркумларнинг ҳозирги қорақалпоқ шеъриятида энг тараққий қилган адабий ҳодиса эканлиги, унинг бадиий манбалари қорақалпоқ оғзаки адабиёти, XIX аср мумтоз адабиётига бориб тақалиши таъкидланади. Рус адабиётшунослигида туркумлар бўйича махсус тадқиқот олиб борган олим М.Н.Дарвин лирик туркумлашишнинг кўриниши халқ оғзаки ижоди асарларида тарқалганлигини кўрсатиб ўтади. Олим тўй кўшиқлари, мавсумий, йиғи-йўқлов каби урф-одатга оид кўшиқ ва шеърлар туркумини фольклордаги «табиий туркумлашиш»¹⁶ деб номлайди.

Оғзаки адабиётдаги тўй кўшиқлари, урф-одатга оид кўшиқлар туркуми билан ҳамоҳангдир. Буларда бир неча асарлар ғоявий-мавзуи, жанр жиҳатдан туркумлашади. Тўй бошлаш, бет очар (удум), айтимлар бир-бирини тўлдириб

¹⁵Иброҳимов М. Кичик поэтик жанрлар ва уларнинг услуб хусусиятлари // Ўзбек адабиётида жанрлар типологияси ва услублар ранг-баранглиги: – Тошкент: Фан, 1983. – Б. 163.

¹⁶Введение в литературоведение (Под ред. Л.И.Чернец); Дарвин М.Н. Цикл. –Москва: Высшая школа. 2000. – С. 334

боради. Агар тўй кўшиқлари бир бутун birlik бўлса, унинг таркибига кирган шеърлар шу бутунликнинг бир қисми вазифасини бажаради. Қорақалпоқ оғзаки адабиётидаги бундай мазмуни бир-бирига яқин асарларни адабиётшунос М.Н.Дарвиннинг таъкидлаганидек, «табий туркумлашиш» деб номлаш мумкин. Аммо уларда лирик туркумга хос бўлган барча белгилар кўзга ташланмайди. Фольклорда бир мавзудаги асарларнинг вариантлашиш ҳолатлари фаол қўлланилади. Бундай ҳодисани туркумлашиш деб бўлмайди. Чунки, лирик туркумлар ёзма адабиёт ривожланган даврининг натижасидир. Туркумлашишнинг асосий шартларидан бири бундаги муаллифнинг ижодий мақсади эканлигини назарда тутсақ, туркумлар муаллиф томонидан тузилиб, уларда бир лирик қаҳрамон яратилади ёки улар шакл тамойиллари бўйича бирлашади.

XIX аср қорақалпоқ мумтоз адабиётида туркумлашишнинг баъзи намуналари кўзга ташланади. Буни биз Кунхўжанинг Хива сафарида яратилган «Туя экансан», «Унутмасман» шеърларини бир вақтда ва бир-бирига яқин мазмунда ёзилиши бўйича бир туркум асарлар деган хулосага келдик. Ажиниёзнинг нома шеърларида бир бутунлик яққол кўринади. «Салом дегайсан», «Мулла Ериме», «Чикди жон» шеърлари саломнома кўринишдаги бир туркумни ташкил этади.

Қорақалпоқ шеъриятида туркумлашиш жараёни XX асрнинг 60-йилларида тўла шаклланди дейишга илмий асос бор. Аксарият ҳолларда ғоявий-мавзуи жиҳатдан бириккан туркумлар шоирлар томонидан махсус тузилган. Бунга А.Дабилонинг «Қозоғистон ўлкасида», С.Нуримбетовнинг «Туғишганмиз, қадрдонмиз, яқинмиз», И.Юсуповнинг «Украина юрагимдасан» туркумларини алоҳида таъкидлаймиз.

Шундай қилиб, қорақалпоқ адабиётининг ҳозирги даврдаги ривожланган лирик туркумларнинг бадиий манбалари халқ оғзаки адабиётидан бошланиб, кейинчалик ёзма адабиётда ҳам бир қанча даврларни босиб ўтган.

Диссертациянинг «**Лирик туркумларнинг композицияси ва лирик қаҳрамон масаласи**» деб номланган иккинчи боби икки фаслни ўз ичига олади. Биринчи фасл «**Лирик туркумларнинг композицияси, сюжет ва хронотоп**» деб номланган. Рус адабиётшунослигида лирик туркум тадқиқотчиси Л.Е.Ляпинанинг фикрича «лирик туркумларнинг аҳамиятли белгиларидан бири муаллиф томонидан композицияни олдиндан тузиб чиқишида»¹⁷ деб ҳисоблайди. Лирик туркумлар яқка шеърларнинг бир-бири билан боғлиқлиги натижасида юзага келадиган алоҳида жанрга эга бадиий шаклдир. Ушбу яқка шеърларнинг ўзаро боғлиқлиги, жойлашиш тартиби, унинг бутун бир асарнинг ғоясини очиб беришдаги поэтик аҳамиятини ўрганиш алоҳида тадқиқотни талаб этади.

Лирик туркумларнинг композициясини тадқиқ қилувчи олимлар унинг номланиши, эпиграф, туркумнинг бошланиши, хотимаси каби бўлимларни киритади. Масалан, бу муоммони, махсус ўрганган Ю.А.Капустина ўзининг

¹⁷Ляпина Л.Е. Циклизация в русской литературе XX века. – С.-Петербург, 1999. – С. 10.

«Кумуш аср шеърлятида композицион қолип туркум тамойиллари сифатида» («Композиционная рамка как принцип циклизации в лирике Серебряного века») номли номзодлик диссертациясида¹⁸ лирик туркумларнинг композицияси таркибига кирадиган бўлимларнинг ҳар бирига назарий таъриф берилган. Лирик туркумларда кириш қисми вазифасини аксарият ҳолларда унинг таркибидаги биринчи лирик асар бажаради. Ю.А.Капустинанинг фикрича, бадиий матнга кириш бўлимини экспозиция, кириш, пролог, интродукция деб ҳам номлаш мумкин.¹⁹ Шоир лирик туркумга кириш бўлимида ифодамоқчи бўлган улкан воқеа ёки фикрга кириш қилади, вақт ва макон, лирик қаҳрамон ёки объект ҳақида маълумот беради.

И.В.Фоменконинг таъбирича лирик туркумга хос бўлган муаллиф ёндошуви алоҳида жанрга хос бўлим сифатида универсалликка эга. Улар китобхонда дастлаб маълум бир алоҳида асарни эмас, балки бадиий бутун бир асарни мутолаа қилишга кайфият уйғотади, ўқувчини шунга тайёрлайди.²⁰ Аксарият лирик туркумлар ва лирик тўпламлар композицион қолип кўринишида тузилади. Бундай туркумлар кириш ва хулоса бўлимидан иборат бўлади, қолипнинг таркибидаги контекстлар медиа бўлими, яъни ўрта қисм деб номланади.

Т.Матмуратовнинг «Даштим, яшил далам» туркумидаги шеърлар композицион жиҳатдан ўз ўрнига эга, маҳорат билан тартиб берилган, композицион қолип шаклида тузилган. Шеърнинг номланиши асар ғоясини очиқ беришда алоҳида бадиийлик вазифасини бажаради. Туркумга ўз номланишига эга бўлган 10 та шеър киритилган. Туркумга «Даштим, яшил далам» деган ном берилган. Дебача қисмида лирик қаҳрамон ўзининг ёшлигини эслаш ҳиссиётини гавдалантиради:

Аўылым, таныдың ба,
Баяғы жас баланы?
Шадлығым анығында,
Өзиңнен басланады.

Аўылым көркейипти,
Жайлардан билип турман.
Ағалар еңкейипти,
Ойларға шүмип турман.

Муқаддиманинг муқаддима-мурожаат, муқаддима-мулоҳаза, муқаддима-кечирим, муқаддима-таклиф, муқаддима-ундов ва бошқа турлари мавжуд.

Туркумнинг ўрта қисми, яъни медиа бўлимидаги шеърларда лирик қаҳрамоннинг туғилиб ўсган қишлоғи ҳақидаги ҳиссиётлари жамланган.

¹⁸ Капустина Ю.А. Композиционная рамка как принцип циклизации в лирике Серебряного века: Дисс. канд.филол.наук. – Вологда, 2018. – С. 65-104

¹⁹Уша манба: Б. 71

²⁰ФоменкоИ.В. Лирический цикл: становление жанра, поэтика. – Тверь: Тверский государственный университет, 1992. – С. 149

«Кўз кўрганлар», «Кўп эди эрлигимиз», «Қора толлар», «Олисидаги дўстга», «Овулнинг одамлари», «Қатхуда», «Тайинли одам» каби шеърларида ҳам овулдан чиққан ёки овулда яшаётган лирик қаҳрамонни кўз олдимизда гавдалантиради. Ўрта қисмида туркумнинг ғоявий-мавзуи мавқеси кенгайди, жанрий ҳамда шаклий жиҳатдан ранг-баранглик намоён бўлади (дидактик, нолиш, юмор ва б.), турлича мотивлар ривожланади (соғинич, қаҳрамонлик ва б.), лирик қаҳрамон образи янада такомиллашади (оддий меҳнат кишиси, қатхуда (йўл-йўриқ кўрсатувчи), овулдош дўст, ака-амаки, Усмон ва б.), лирик сюжет, эпик тасвирлаш усуллари қўлланилади.

Лирик туркумларнинг композициясида унинг хотима қисми ёки сўнгги лирик шеър ҳам алоҳида ўринни эгаллайди. Ю.А.Капустина мазкур бўлимни композицион қолипнинг иккинчи бўлими, лирик туркумнинг етакчи ғоясини, ҳиссиётини ўзида жамловчи бўлим, деб номлайди. Муаллифнинг таъкидлашича, хотима тушунчасига яқин «финиш», «эпилог», «ечим», «хотима (концовка)» атамаларида қўлланиши мумкин. Финал – бу муаллифнинг китобхон билан диалогининг якуни, бу хулоса маъносига тўғри келади.²¹ Шунинг учун ҳам бу бўлим лирик туркумда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. «Ям-яшил, яшил далам» шеъри туркумда якунловчи, яъни эпилог ўрнида қўлланилган. Туркумда макон, майдон бир, аммо вақт ўтган ва ҳозирги замонда тасвирланган.

Композицион қолип тузилишидаги туркумлар фақат муаллифга хос туркумларда бўлади. Чунки, туркумнинг тузилишида муаллиф концепцияси олға сурилади, шоирнинг борлиққа боқиши бутунлигича ифодаланиш усули кўзга ташланади.

Ж.Избасқановнинг «Қора денгиз таъсирларидан» туркумидаги шеърларнинг жойлашиш тузилиши қолип тузилишида эмас. Шунингдек, шоир шеърларни туркум таркибида кетма-кет жойлаштиришда поэтик муносабат ҳосил қилгани намоён бўлади. Туркум таркибидаги шеърларнинг ҳар бирида ялт этган фрагмент ҳиссиёт жилваланиб, китобхон ички оламига ҳам таъсир қилади. Бир деталь орқали (балиқчи қуш, қоя, тунги қўнғизлар, қайинлар, Рица кўли, мимозалар) берилган фикр-ҳиссиёт ҳам ихчам, ҳам енгил қабул қилинади. Муаллиф Қора денгиз сафаридан олган таассуротларига, ўша макондаги шоир ҳиссиётига тўртки бўлган ҳар бир объектни бадиий тасвирлашга муяссар бўлади, вақт хронотопи бирлиги сақланади. Ҳозирги замон лирик қаҳрамоннинг бир вақтда кўрган объектларининг бадиий тасвири туширилган. Шунингдек, муаллифнинг поэтик қамрови, фантазияси ҳамда ижодийлик маҳорати билан ўтган вақтдаги ҳодисалар, воқеалар лирик қаҳрамоннинг бадиий тасвирлаши орқали етказилади. Масалан, туркумдаги «Қоя» шеърида ҳозирги замон вақт хронотопида денгиз бўйидаги қоя бадиий детал вазифасини бажаради:

Толқын толқип өрилەر,
Қол созымда жағалық,

²¹Капустина Ю.А. Композиционная рамка как принцип циклизации в лирике Серебряного века: Дисс. на соис. уч.степени к.ф.н. – Вологда, 2018. – С. 65-104

Анаў жартас көринер,
Желқом яңлы ағарып.

Фикрнинг ривожланиш жараёнида энди ҳозирги замон хронотопи ўтган замонга кўчади, кичик лирик сюжет ёрдамида воқеа тасвирланади. Қадим замонда бир гўзал қиз Ватанни қўриқлашга кетган ёрини кутиб, унинг вафот этганини эшитиб ўша қоядан денгизга ғарқ бўлади. Бу ўша қоя ҳақида шу ерда яшовчи маҳаллий халқларнинг афсона ёки шоирнинг бадий тўқимаси бўлиши мумкин. Ҳар холда мазкур кичик сюжет қоя деталига алоҳида эмоционал маъно юклайди, экспрессив таъсирчанлигини орттиради, асарнинг ғоясини, бадий поэтикасини кучайтиради. Демак, мазкур шеърда ҳозирги замон билан ўтган замоннинг синтезлашиши, бошқача айтганда кичик ҳажмли афсонанинг лирик асарга сингиб кетиши, яъни, интерпретациясини кўриш мумкин бўлади.

Шунингдек, эпик усулнинг лирик жанр орқали берилиши, яъни трансформацияланиши кўзга ташланади. Шоир туркумдаги етита шеърнинг композиция жиҳатдан боғланишига, шу орқали асар мазмунини тўлиқ ва таъсирли етказиб беришга эришган. Шеърлар орасидаги занжирбанд боғланиш бутун бир ғояни беришга хизмат қилади.

Иккинчи бобнинг иккинчи фасли «**Лирик туркумларда лирик қаҳрамон образи**» деб номланиб, унда туркумлардаги лирик қаҳрамон образи масаласи ўрганилди. Лирик туркумдаги лирик қаҳрамон образи билан яқка лирик асарлардаги лирик қаҳрамон образи бир-биридан фарқ қилади. Туркумшунос олимлар лирик туркумларнинг назарий асосларини ўрганганда, туркумлашишнинг асосий тамойилларининг бири – унда бир хил лирик қаҳрамон образ яратилиши, шу орқали муаллифнинг бутун дунёқараши гавдаланишини таъкидлайди.²² Туркумларнинг бутунлигини шакллантиришда лирик субъектнинг ҳаққонийлиги таъминланади.

Лирик туркумларнинг ғоявий-мавзу тамойил бўйича бирикиши, макон ва вақт бирлигининг сақланиши, бир хил ёки ўхшаш мотивларнинг такрорланиши туташ лирик субъектнинг шаклланишига асос бўлади. Буни биз Б.Сейтаевнинг «Туғилган ер тўлғанишлари», К.Раҳмановнинг «Биринчи муҳаббатим», П.Мирзабаеванинг ошиқлик мавзусидаги туркум шеърлари, Ш.Сейтовнинг «Қабристондаги товушлар» туркумлари мисолида таҳлил қилдик. Ғоявий-мавзу тамойил бўйича бириккан туркум таркибидаги шеърларда бир хил лирик қаҳрамон образи яратилади. Ундаги лирик қаҳрамоннинг, лирик мен, лирик биз сингари типлари бўлиши мумкин. Айрим ҳолларда туркум таркибидаги шеърларда бирнеча типдаги қаҳрамон образи яратилади.

Учинчи бобнинг номи «**Лирик туркумларнинг жанрий таснифи:**

